

ي ف ة ع ب ا ص ا ل خ د ي ف ء ا م ل ا د خ ا ي م م ث ء ا ل ص ل ل ء ء و و ض و ا ض و ت م م ث ء ء ج ر ف ل س ع ي ف
ا ض ا ف ا م م ث ء ا ن ف ح ا ل ت ه س ا ر ي ل ع ن ف ح ا ر ب ت س ا د ق ن ا ي ا ر ا ذ ا ت ت ح ر ع ش ل ل و و ص ا
«ه ء ل ج ر ل س ع م م ث ه و د س ج ر ئ ا س ي ل ع

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон жунубликдан ғусл қилсалар, аввал икки қўлларини ювишдан бошлар эдилар. Сўнгра ўнг қўллари билан чап қўлларига сув қуйиб, фаржларини ювар эдилар. Кейин эса намозга қиладиган таҳоратларини бажарар эдилар. Сўнгра сувни олиб, бармоқларини сочлари остига киритар эдилар. Токи сув яхши етганига ишонганларидан кейин бошлари устидан уч ҳовуч сув қуяр эдилар. Кейин қолган баданларига сув қуяр, сўнгра оёқларини ювар эдилар».

ء ا م م ل س و ه ي ل ع ل ل ل ا ي ل ص ي ب ن ل ل ت ع و و ت ل ا ق ا ه ن ع ه ل ل ا ي ض ر ء ن و م ي م ن ع
م م ث ء ه ر ي ك ا د م ل س ع ف ه ل ا م ش ي ل ع ع ر ف ا م م ث ا ت ا ل ت و ا ن ي ت ر م ه ي د ي ل س ع ف ل س ع ل ل
ي ل ع ا ض ا ف ا م م ث ه ي د ي و ه و ل س ع و ق ش ن ت س ا و ص م ص م م م ث ء ض ر ا ل ا ب ه د ي ح س م
ل س ع م م ث ء ي ا و ر ي ف و ء س م خ ل ل ا م ه ا و ر ه ي م د ق ل س ع ف ه ن ا ك م ن ع ل و ح ت م م ث ه و د س ج
ه د ي ب ء ا م ل ا ض ق ن ي ل ع ج ف ا ه ر ي م ل ف ء ق ر خ ب ه ت ي ت ا ف ء ي ا و ر ي ف و ا ت ا ل ت ه س ا ر

Маймуна розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ғусл учун сув келтириб қўйдим. У зот икки қўлларини икки ёки уч марта ювдилар. Кейин чап қўлларига сув қуйиб, жинсий аъзоларини ювдилар. Сўнгра қўлларини ерга суртдилар. Кейин оғизларини чайдилар, бурунларига сув олдилар, юзлари ва икки қўлларини ювдилар. Сўнгра (бутун) баданларига сув қуйдилар. Кейин турган жойларидан нарига ўтиб, икки оёқларини ювдилар».

Иккисини бешовлари ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда:

«Сўнгра бошларини уч марта ювдилар», дейилган.

Яна бошқа ривоятда эса:

«Мен у зотга бир латта олиб келган эдим, хоҳламадилар ва сувни қўллари билан сидира бошладилар», дейилган.

Икки ҳадисни бешовлари ривоят қилишган.

Узун ўрилган соч эгаси сочининг асли(ости)ни ҳўллаши кифоядир.

يَسْأَلُ رَفَضٌ دُشًّا أَزْمًا يِّنْ إِهْلَالِ لُؤْسَرِ أَيُّ تُلُقُ: تَلِاقُ أَهْنَعُ لَلِإِيضَرِّ مَسْرُومًا نَع
تَلِاقُ كَسْرًا أَرَى لَعِي تَحْتَنُ كَيْفَ كَيْ أُمَّنْ إِ، أَلِ: لَأَقُ؟ عِبَانَجَلِ لِسُغْلُ هُضُقُونِ أَف
سِّيْرَاحُ بَلِ إِهْلَالِ مَحْمُودًا هَؤُورَ. «نِيْرُهُ طَتَفَ إِهْلَالِ كَيْ لَعِي نِيضِي فُتُّ مَثُتْ إِتِ أَيِّ تَح

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен сочимни маҳкам қилиб ўриб юрадиган аёлман. Жунубликнинг ғусли учун уни ёйишим керакми?» дедим. Ул зот:

«Йўқ, сен учун бошинг устидан уч ҳовуч сув қуйишинг кифоя қилади. Сўнгра устингдан сув қуясан. Бас, пок бўласан», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Лекин жунуб бўлишдан олдин сочи ёйилган бўлса, сочларининг ҳаммасини ювиш вожибдир. Шунингдек, ҳайздан пок бўлиб ғусл қилганда ҳам сочини ёзиб ҳаммасига сув етказиши вожибдир.

Барча ҳужжат ва далилларни синчиклаб ўрганиб чиққан фуқаҳоларимиз ғуслни аввалидан охиригача қуйидаги тарзда баён қиладилар:

Ғусл қилувчи шахс дастлаб тасмия айтади ва ният қилади. Кейин икки қўлини ювади. Кейин орқа ва олди фаржини ювади. Баданида нажосат бўлса, ювиб ташлайди.

Кейин худди намозга қилгандек таҳорат қилади. Албатта, оғиз-бурунни муболаға билан чайқаш бор гап. Агар турган жойида сув тўпланадиган бўлса, оёқларини ювишни кейинга суради.

Сўнгра бошига сув қуйиб, ишқалаб ювади. Баданига уч марта сув қуяди. Сув қуйишни ўнг елкасидан бошлайди, кейин чап елкасига қуяди. Қўли билан баданини ишқалайди. Икки қулоғи, киндиги, қўлтиқ ости каби сув етиши қийин бўлган жойларига алоҳида эътибор беради.

Ғуслнинг охирида бошқа жойга ўтиб, оёқларини ювади. Агар ғусл қилган жойида сув тўпланмаса, оёқларини ҳам ўша ерда ювиб олаверади.

Ғуслнинг одоблари ҳам худди таҳоратнинг одобларига ўхшайди. Аммо ғуслда қиблага қараш йўқ.

Ғуслда қуйидаги нарсалар макруҳдир:

1. Сувни исроф қилиш.
2. Сувни ўта оз ишлатиш.
3. Сувни юзига уриш.
4. Дунёвий гапларни гапириш.
5. Узрсиз бошқадан ёрдам олиш.
6. Дуо қилиш.

«Кифоя» китобидан